Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 25 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 172 – 173 (13.235–13.236)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

“Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”

Фахриддинов Зайниддин Рамзиевич — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом

Слоним Андрей Евсеевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри саҳналаштирувчи режиссёри

“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”

Валиев Уйғун Воҳидович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг “Фотоника” кафедраси профессори

“Ўзбекистон ифтихори”

Ғоибназаров Фазлиддин Ҳасанбоевич — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ғиёсов Шаҳрам Жамшидович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Дўсматов Ҳасанбой Маъруфжон ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Зоиров Шаҳобиддин Шокирович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Меликўзиев Бектемир Рўзматжон ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикаси халқ артисти”

Ашурова Зуҳра Жўраевна — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Зокирова Гавҳар Акмаловна — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Шарипов Абибулла Нагметович — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри бош балетмейстери

“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси”

Хўжамбердиев Шодмон Эгамбердиевич — Сурхондарё вилояти Шеробод тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази мутахассиси, бахши

“Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси”

Аъзамов Эркин Нормаматович — “Тафаккур” журнали бош муҳаррири

“Ўзбекистон Республикаси халқ устаси”

Абдиев Олим Жабборович — Бухоро махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш бошқармаси реставратори

Ганиев Зокир Ваҳобович — “Устазода” халқ санъати усталари корхонаси ёғоч ўймакор устаси

Исматиллаев Холмаҳамат — “Ҳунарманд” уюшмасининг Самарқанд вилояти бошқармаси аъзоси, устакулол

“Ўзбекистон Республикаси халқ шоири”

Сиддикова Энахон Абдураҳимовна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари

“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”

Солиева Ҳури Мелиховжаевна — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”

Алиев Рихсибой Усмонович — “Ўзбекфильм” киностудияси актёри

Бекмуратов Азат Жаксимбаевич — Ўзбекистон давлат ёшлар театри актёри

Болтабоева Маъсумахон Носировна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларидаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор”

Пардабоев Абдукарим — Сайхунобод туманидаги “Мақсад” фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Шоймонов Йўлдош Рустамович — Шеробод туманидаги “Шоймон бобо” фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор”

Бабажанов Курбанбай Саидович — “Туямўйин” гидроузелини ишлатиш бошқармаси бошлиғи, Хоразм вилояти

Уралов Зохид Зиётович — “Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг “Оқ-Қорадарё” ирригация тизими бошқармаси участка бошлиғи, Самарқанд вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор”

Дарменов Берикбай Сафарович — Конимех туманидаги “Абай” наслчилик ширкат хўжалиги бош чўпони, Навоий вилояти

Қурбанов Рашид Адиевич — Фориш туманидаги “Боғдон” ширкат хўжалиги бош чўпони, Жиззах вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи”

Зокирова Рўзахон Эсаналиевна — Ўзбекистон туманидаги “Яйпан Яккатут пилласи” масъулияти чекланган жамияти агрономи, Фарғона вилояти

Хафизова Зухра Юсуфовна — Наманган туманидаги “Наманган кумуш ипаги” масъулияти чекланган жамияти бош агрономи, Наманган вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими”

Жураев Тулаган Тошпулатович — “Устюрт газкимё комплекси” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Нурутдинов Алик Саидович — “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бош директори, Тошкент вилояти

Буранов Аскар Джураевич — “Шўртаннефтгаз” масъулияти чекланган жамияти цех бошлиғи, Қашқадарё вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи”

Дадамухамедов Абдувахид Парахович — “12-трест” акциядорлик жамиятининг 50-қурилиш бошқармаси бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

Мирзаев Нематжон Расулович — “Андижон қишлоқ қурилиш” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими”

Акбаров Сайфулла Сайдуллаевич — “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамиятининг “2-автобус саройи” масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

Сулаймонов Насир Ташевич — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Бухоро локомотив депоси тепловоз машинисти, Бухоро вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими”

Хашимходжаев Аваз Хабибуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Электромагнит мослашув маркази” давлат унитар корхонаси бошлиғининг ўринбосари

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 24 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.



Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида бўлиб ўтаётган ялпи мажлис қатнашчилари Сенат Раиси Н.Йўлдошевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Сенатининг ўтган даврдаги фаолиятига ва келгуси йиллардаги устувор вазифаларга бағишланган маърузасини тингладилар.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши том маънода тарихий воқеа бўлганлиги таъкидланди. Атиги чорак аср мобайнида мамлакатимиз тараққиётнинг пухта ўйланган “ўзбек модели”ни изчил рўёбга чиқариш орқали бир неча йил давомида иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини кўрсатиб, илдам ривожланаётган демократик давлатга айланди. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги, ҳаётнинг барча соҳасида қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш деб номланадиган бешта тамойилга асосланган давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган “ўзбек модели” олиб борилаётган ислоҳотларнинг ишончли пойдеворига айланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳасида кенг кўламли демократик ислоҳотлар ўтказилди, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий тизимни тубдан янгилашнинг, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари қўйилди. Бундай давлатда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, ор-номуси, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши, миллий ўзликни англаш ҳиссининг ўсиши учун шарт-шароитлар яратилиши, ислоҳотларнинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини тўлиқ таъминлашга қаратилганлиги, мулк ҳуқуқининг мустаҳкамланганлиги инсонлар дунёқарашини, улар ҳаётининг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида дон, ёқилғи-энергетика ва транспорт-коммуникация соҳасида мустақилликка эришишга, иқтисодиётнинг барча соҳасини модернизация қилишга доир чиндан ҳам кўламдор чоратадбирлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигини қайта қуриш, ерни унинг ҳақиқий эгаларига бериш ҳисобига республиканинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланмоқда. Агар илгари Ўзбекистон собиқ иттифоқнинг хомашё етказиб берувчи қолоқ ўлкаси ҳисобланган бўлса, бугунги кунда мамлакатимизда нефть ва газ-кимё саноати, нефтгаз ва темир йўл машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, фармацевтика, юқори технологик озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби тармоқлар етакчилик қилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида мулкдорлар, тадбиркорлар синфи ўз мавқеини кучайтирмоқда. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги иштироки доим ўсиб бораётир. Бугун бу кўрсаткич 56,7 фоизни ташкил этаяпти. Банд бўлган аҳолининг қарийб 80 фоизи тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўз оиласининг, халқининг фаровонлигини ошириб келмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳит яратилган.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш изчиллигининг, тинчлик ва осойишталикнинг, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий барқарорликнинг, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатига айланди. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий замири Конституциянинг асосий қоидаларига мувофиқ изчил шакллантирилмоқда.

Икки палатали миллий парламентнинг яратилиши ва унинг самарали фаолият кўрсатиши давлат ва жамият қурилишидаги демократик ислоҳотларнинг муҳим омилига айланди. Парламентда қуйи – Қонунчилик палатаси профессионал асосда фаолият кўрсатади, юқори палата – Сенат эса Ўзбекистон минтақаларини ифодалаб, минтақа ва умумдавлат манфаатлари мувозанатини таъминлайди. Мустақиллик йилларида ҳокимият тармоғини бўлишдан иборат конституциявий принципни босқичма-босқич рўёбга чиқаришга, улар ўртасида ўзаро мувозанат ва тийиб туришнинг самарали тизимини яратишга, марказ ва жойларда давлат ҳокимияти органлари тизимида қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат функцияларини кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар олиб борилди.

(Давоми 5-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг ҳарбий хизматчилари учун янги чегара пости мажмуаси ва барча шароитга эга замонавий уй-жой фойдаланишга топширилди.

● Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Навоий вилояти Учқудуқ тумани тиббиёт бирлашмасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Соғлом она ва бола йилида 7 миллиард 500 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган муассаса 60 ўринга мўлжалланган. “Алтинтау қурилиш” ва “Зарафшон овози” масъулияти чекланган жамиятлари қурувчилари томонидан бунёд этилган шифо масканидаги юқумли касалликлар, шошилинч ёрдам, жарроҳлик, болалар, гинекология ва туғруқхона бўлимлари замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган.

● Қашқадарёда Талимаржон иссиқлик электр станциясининг қуввати 450 МВт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмаси ишга туширилди. Талимаржон ИЭСда 2 энергоблокнинг ишга туширилиши натижасида йилига қўшимча 7,2 миллиард киловат/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

● Навоийда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан “Ишбилармон талаба – 2016” стипендияси кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. “Мустақилликка менинг ҳиссам” шиори остида ўтказилган танловнинг жорий йилги якуний босқичида вилоятлардан сараланган 42 нафар ёш тадбиркорлик қобилияти, янги ташаббус ва лойиҳалари, кичик бизнесни молиялаштириш, бу борадаги имтиёз ва қулайликлар бўйича билимини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

● Германия ҳукумати ноқонуний қочқинлар оқими кўпайганлиги боис Швейцария билан чегарасида назоратни кучайтирди. Яъни, чегарага қўшимча равишда чегарачи ҳамда полициячилар юборилди. Гап шундаки, қочқинлар Швейцария ҳудуди орқали тегишли ҳужжатларсиз ва бошпана берилиши учун руҳсат сўрамасдан Германия ва бошқа давлатларга ўтишга уринмоқдалар.

● Болқон ярим оролидаги Пинда тоғига уюштирилган экспедиция давомида шимолий Греция тоғларида ўсувчи Босния қарағайининг ёши 1075 йилга тенг эканлиги аниқлангач, ушбу ноёб дарахт Европадаги энг қадимий тирик организм сифатида қайд этилди.

● Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида электр қуввати ёрдамида ҳаракатланадиган ҳайдовчисиз автобуслар хизматидан фойдаланиш режалаштирилмоқда ва бундай транспортлар жорий йилнинг сентябрь ойи ўрталарида ишга туширилади. Мазкур микроавтобуслар Франциядаги “Liger” автомобиль концерни томонидан яратилган бўлиб, соатига 40 километр тезликка эга. Лекин Хельсинки маъмурияти йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя қилиш мақсадида ҳайдовчисиз транспорт тезлигини соатига 10 километр билан чеклашга қарор қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Борчанинов Кирилл Валерьевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Ғафурова Сайёра Акмаловна — Ўзбекистон Миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмасининг миллий симфоник оркестри артисти

Мадмусаева Милена Орифжоновна — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

Мустафоева Раъно Қаршиевна — Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри вокал артисти

Нишонов Баҳодир Исанович — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри актёри

Пирматова Нодира Йигиталиевна — Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси катта ўқитувчиси, хонанда

Раҳматуллаев Улуғбек Ибрагимович — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

Ҳакимова Мехри Абдуқодировна — Самарқанд вилояти мусиқали драма театри актёри

Шораҳметова Нигина Аманбоевна — "Сабо" рақс ансамбли раққосаси

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи"

Жуманов Исоқтой — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти саҳна нутқи кафедраси доценти

Жўрабекова Одина Хуршидовна — Фарғона вилояти Учкўприк саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Муҳиддинов Муслиҳиддин Кутбиддинович — Самарқанд давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори

Фозилов Абдураҳмон Раҳимович — Ўзбекистон футбол федерациясининг мухлислар жамияти раиси

Эргашева Нодира Қосимовна — Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист"

Давлетова Саида Салиевна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

Каримбеков Қобилбек Тўхтабекович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Маҳалла" телеканали маънавий-тарбиявий дастурлар муҳарририяти мутахассис-маслаҳатчиси

Мусаева Гулбаҳор Жўракуловна — Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси бош муҳаррири – телевидение гуруҳи раҳбари

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими"

Акрамов Адҳам Тошпўлатович — Фарғона вилояти мусиқали драма театри режиссёри

Аминжонов Нурдинжон — Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази етакчи методисти

Атабаев Зокиржон Жуманазарович — Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри овоз режиссёри

Отабоев Шодмонбек Эргашевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Гулзарова Инесса Сергеевна — Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа тарихи ва танқиди кафедраси доценти

Зуфаров Тўхтамурод Усмонович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, халқ чолғу асбоблари устаси

Ибадуллаева Гавҳар Иноятовна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари

Иргашев Муртаза Худойбердиевич — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом

Матимуратов Сагинбай Ембергенович — Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси Қорақалпоқ ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари

Матниязова Роҳила Худайбергановна — Хоразм вилояти қўғирчоқ театри саҳналаштирувчи режиссёри

Мусурмонов Рустам Равшанович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Раҳмонова Саломат Фармоновна — "Бухоро гўзаллари" бадиий дастаси балетмейстери

Раҳимов Эгамберди Шаматович — "Ўзбекфильм" киностудияси актёри

Йўлдошев Абдуқаюм Турғунбоевич — "Адолат" газетаси бош муҳаррири ўринбосари, ёзувчи

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими"

Бобомуродов Абдуҳаким Эгамуродович — Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими мудири

Девятов Андрей Васильевич — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази хирургия бўлими бош илмий ходими

Қаландарова Амина Нуруллаевна — Нукус "Она ва бола скрининги" маркази директори

Назаров Улуғбек Холмуродович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали болалар хирурги

Шек Александр Борисович — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Эргашев Ҳакимжон Холматович — Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ортопедия бўлими мудири

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"

Арслонов Шуҳрат Арслон ўғли — Каратэ бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Аҳмедов Маъруфжон Қодирович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Израилбекова Зарина Батировна — Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Рўзиохунов Раҳматжон Турсунович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Тойгонбаев Зиятдинбек Курманбекович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Усмонов Жаҳонгир Мираброрович — Ўзбекистон мини-футбол ассоциацияси раиси ўринбосари

Ҳидоятов Эшпўлат Эркинович — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Якубов Абдурауф Сатторович — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи"

Аҳмадалиев Муроджон Қаҳҳор ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ибрагимов Магомед Идрисович — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Наврўзов Ихтиёр Каримович — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Тўлаганов Рустам Тўлқин ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ўрозбоев Диёрбек Бахтиёр ўғли — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими"

Умарова Дилфуза Исмоиловна — Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси

Эркабоева Завра Қайтаровна — Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

"Эл-юрт ҳурмати" ордени билан

Нурудинов Руслан Шамилевич — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Собиров Ришод Рашидович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Аннақличева Гулистон Аҳмедовна — "Қорақалпоғистон тонги" газетаси бош муҳаррири

Комилов Эркинбой — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Аъзамов Абдулла — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

Аҳмедов Баҳодир Ҳайитбаевич — Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани тиббиёт бирлашмаси анестезиология-реанимация бўлими мудири

Зульпанов Икромжон Мўминович — Сирдарё вилояти Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежи бош устаси

Ихтиёрова Марям — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри вокал артисти

Комилова Умида Кабировна — Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Қосимова Шаҳноза Шоюсуповна — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби директори

Кенжабоев Қамчибек — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Курбанов Марат Галиевич — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи

Маҳмудов Шаҳрилло Шарипович — Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси раисининг биринчи ўринбосари

Назиров Феруз Ғафурович — Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори

Панкратов Сергей Анатольевич — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи

Сатторова Насиба Пардаевна — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқитувчиси, хонанда

Тожихўжаев Тўлаган — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

Тасмурадов Елмурат Зулипхар-ули — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Тошматов Шерзод Рихсибоевич — Ўзбекистон бокс федерацияси раисининг биринчи ўринбосари

Турдиев Фарҳод Каримович — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси вице-президенти

Умрзоқова Ҳуснора Худдиевна — Бухоро вилояти Олот тумани тиббиёт бирлашмаси "Бўрибек" қишлоқ врачлик пункти мудири

Хаитов Мўминжон Солиҳович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Тошкент телемаркази информацион кўрсатувларни тайёрлаш ва эфирга узатиш хизмати смена бошлиғи

Ҳакимов Ғуломжон Ғафурович — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси касаба уюшма қўмитаси раиси

Шеров Абдулла — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Якубжанов Фазлиддин — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош дирижёри

Қаландаров Дониёр — Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 78-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Зарипова Ёркин Сабуровна — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани тиббиёт бирлашмаси бош педиатри

Рашидова Гўзал Ибрагимовна — Қашқадарё вилояти Қарши тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси шифокор педиатри

Ҳамидова Наима Набиевна — Тошкент шаҳар "Мурувват" ногирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси

"Дўстлик" ордени билан

Азимов Ҳасан Ғафурович — Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси "Ўзбекистон" ашула ва рақс ансамбли созандаси

Ваҳобов Исмоилжон — Ўзбекистон халқ ҳофизи, пенсионер

Ваҳобов Исроилжон — Ўзбекистон халқ ҳофизи, пенсионер

Жирнов Владимир Николаевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фоторассом

Қодирова Лола Абдувалиевна — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 302-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Казаков Эгамберган — Хоразм вилояти Урганч туманидаги 45-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори

Қосимов Ойбек Омилович — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош котиби

Ким Светлана Алексеевна — Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театри балет артисти

Мамедова Гулбаҳор Мусаевна — Каттақўрғон шаҳар драма театри артисти

Мусурмонов Ўрунбой — Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси муҳандис-техниклар гуруҳи бош муҳандиси

Нарзиев Аълам Наимович — "Овози тожик" газетаси масъул котиби

Раджапова Бибисара — Тошкент шаҳар туркман маданий маркази раиси ўринбосари

Халилова Ойгул Темировна — Қарши санъат коллежи ўқитувчиси

Шавердова Елена Ивановна — Ўзбекистон рус маданий маркази бошқаруви аъзоси

Штурбабин Андрей Анатольевич — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи

Юсупов Зокиржон Мамажонович — Андижон вилоят телерадиокомпанияси ижодий муҳарририят гуруҳи бош муҳаррири

Ёқубов Нигмат — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, пенсионер

Ёрбеков Эрназар Холмирзаевич — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти мусиқали, драматик театр ва кино санъати кафедраси катта ўқитувчиси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Шуҳрат" медали билан

Абдуллаев Анорбой Очилович — Самарқанд вилояти Булунғур тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими шифокори

Абдуллаев Собиржон Ҳамидович — Ўзбекистон Миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси артисти

Абдуллаева Наргиза Тоҳировна — "Ўзбекфильм" киностудияси актёри

Адилова Камола Каримхоновна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ёшлар" телерадиоканали "Болажон" телеканали бош муҳаррири

Акрамова Насиба Раимжоновна — "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи муқоваловчиси

Алланазаров Зинатдин Куатбаевич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Нукус телерадиомаркази телеоператори

Атамуҳамедов Акбар Ҳамидович — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

Аҳмадалиева Латифа Ҳасанбоевна — Наманган вилоят ўлкашунослик музейи тарих бўлими мудири

Бабатаева Райхан Уктемовна — "Нурли жол" газетаси масъул котиби ўринбосари

Бегимқулов Ойбек Худойқулович — "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси Жиззах вилояти бўлими раҳбари

Бекниязов Базарбай Курбанбаевич — Нукус темир йўллари транспорти касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Бўтаев Фарруҳ Фуркатович — "Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири

Галашова Ирина Михайловна — Сув спорти турларига ихтисослаштирилган Республика олимпия захиралари спорт мактабининг сузиш бўйича катта мураббийи

Жўраева Зулхумор Абдураҳмоновна — "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, кулол

Досбергенова Генжегул Оразбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани тиббиёт бирлашмаси "Маданият" қишлоқ врачлик пункти мудири

Дулиева Муҳаббат Турсунбоевна — Жиззах вилояти Ўлкашунослик музейи санъат бўлими катта илмий ходими

Ерназаров Бекназар — Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби, болалар шоири

Жўраева Гулчехра Холбоевна — Жиззах вилояти Зомин "Мурувват" ногиронлар интернат уйи энагаси

Зиявитдинов Жамолитдин Фазлитдинович — ЎзФА Биоорганик кимё институти катта илмий ходими

Изимбетов Расул Кайруллаевич — "Айкулаш жулдузлари" Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли артисти

Эргашева Саида Жалиловна — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети лингвистика ва инглиз адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Исмаилов Ажиниёз Ембергенович — Қорақалпоқ давлат университети маданият саройи директори

Қодиров Фарҳод Шуҳратович — Ўзбекистон Бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси "Мақом" ансамбли созандаси

Қодирова Зулайҳо Раимовна — ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институти лабораторияси мудири

Қодирхонов Расулхон Сайбурхонович — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри хор артисти

Комилова Доно Абдуазимовна — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи муқоваловчи цехи бошлиғи

Кариев Ғайрат Маратович — Республика нейрохирургия илмий маркази директори

Ливерко Ирина Владимировна — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Мадумаров Умиджон Усмонович — Фарғона вилояти Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти мудири

Мамажонова Махпиратхон — Андижон вилояти Асака тумани марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази "Асака" халқ театри режиссёри

Мардонова Гавҳар — Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси бўлим мудири

Маҳкамова Ирода Турғунбоевна — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқоваловчи цехи машинисти

Мирзамова Санобар Маҳмудовна — Наманган санъат коллежи ўзбек халқ чолғулари кафедраси ўқитувчиси

Муқимов Зокиржон Султонович — Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

Набихўжаев Шерзод Дилшодович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ашула ва рақс ансамбли хонандаси

Нажмиддинова Шаҳноза Муродовна — Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Насимхонова Саида Сайдаҳмадовна — Республика Маънавият тарғибот маркази Чуст тумани бўлими раҳбари

Нурбекова Гулназ Азатовна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Қорақалпоғистон телерадиоканали мусиқий дам олиш дастурлари муҳарририяти катта муҳаррири

Пардаева Базоргул Йўлдошевна — Самарқанд вилояти Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Пирназарова Дилором Қўлдошевна — Қашқадарё вилояти Нишон тумани кўп тармоқли марказий поликлиника шифокор-педиатри

Пятакова Наталья Сергеевна — "Ўзбекцирк" республика бирлашмаси артисти

Раимжонов Машҳурбек Мамадалиевич — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

Рўзиев Насриддин Сабриевич — "Сўғдиёна" халқ чолғулари камер оркестри созандаси

Саодатова Лола Мусурмоновна — Республика Маънавият тарғибот маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари

Сотволдиева Хурсандой Омонбоевна — Сирдарё вилояти Гулистон санъат коллежи она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Султонова Барно Ботировна — "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси мухбири

Умарова Нилуфар Туроповна — Қашқадарё вилояти Қарши педагогика коллежининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Ўрмонов Сарвар Турсуналиевич — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг фотоахборот таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

Файзиева Васила Солиҳовна — Ўзбекистон давлат санъат музейи директори

Холбўтаев Нодиржон Жонузоқович — "Ёшлик" журнали бош муҳаррири

Халилов Абдумалик Музаффарович — Навоий вилояти Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Шоқосимова Санобар Собиржоновна — "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи муқоваловчи цехи машинисти

Шералиева Дурдона Ҳасановна — Наманган вилояти Норин тумани тиббиёт бирлашмаси "Обод" қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси

Шивалдов Олег Валерьевич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси медиамаркази саҳна қуриш ва декорация сектори мудири

Шишков Игор Геннадьевич — Навоий шаҳридаги яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи

Шоумарова Саида Мирзааҳматовна — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси "Гулистон" қишлоқ врачлик пункти мудири

Элмуродова Момохол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Эргашев Ботиржон Йўлдошевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими адабий маслаҳатчиси

Эрматова Феруза Эргашевна — Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани тиббиёт бирлашмаси "Ғалаба" қишлоқ врачлик пункти мудири

Эрхонова Насиба Абсайитовна — "Маърифат" газетаси мухбири

Йўлдошева Манзура Мубораковна — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

Ҳамдамов Умид Холмуродович — "Ўзбекфильм" киностудияси режиссёри

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 24 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими”

Икрамов Шахзод Илясович — “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг Учувчилар мажмуаси “Боинг” ҳаво кемаси командири

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, фидокорона меҳнати, ватанпарварлиги ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги билан эл-юрт иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Эл-юрт ҳурмати” ордени билан

Даминов Тургунпулат Абидович — Тошкент тиббиёт академиясининг “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси профессори, Тошкент шаҳри

Джумабеков Жали Исакович — Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жумаева Гуландом Розиқовна — Қизилтепа туманидаги “Ўртақўрғон” қишлоқ врачлик пункти мудири, Навоий вилояти

Каримова Шахриниса Акрамовна — Галлаорол туманидаги “Булоқбоши” қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

Кудратов Салижан Сулайманович — Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Сирдарё вилояти бўлинмаси раҳбари, вилоят Маънавият ва маърифат Кенгаши аъзоси

Кутлиева Зулхумор Шоназаровна — Янгиариқ туманидаги “Хоразм” қишлоқ врачлик пункти мудири, Хоразм вилояти

Рахимов Хамиджон Мамажонович — Олтиариқ туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Фарғона вилояти

Раҳматов Абдулҳамид Бувабаевич — Наманган давлат университети қошидаги 3-академик лицей директори, Наманган вилояти

Рахматуллаев Юсуп — Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими мудири

Салохиддинов Солиддин — “Нуроний” жамғармаси Паркент тумани бўлинмаси “Номданак” қишлоқ фуқаролар йиғинининг жамоатчилик Кенгаши раиси, Тошкент вилояти

Фаттоев Ёқуб Талабович — Пешку туманидаги “Фаттоев” фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Хайдаров Уткирбек Абдужалилович — Андижон вилояти ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

Хасанова Рахиба — Жомбой туманидаги “Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Ходжамбердиев Мамаюсуп Бозорович — Денов туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Абдуллаев Абдугапар Абдукахарович — Тошкент кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси иш бошқарувчиси, Тошкент шаҳри

Арипов Ахмаджон Кадиржанович — “Андижон механика заводи” шўъба корхонасининг лойиҳалаш бўлими бошлиғи, Андижон вилояти

Ахмедов Агзамжан Акбаралиевич — “Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти бош муҳандисининг ўринбосари, Тошкент вилояти

Боботов Останақул Чориевич — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Термиз минтақавий темир йўл узели 166-йўл машина станцияси катта йўл устаси, Сурхондарё вилояти

Ганиев Муртазокул Мустафокулович — “Самарқанд автомобиль заводи” масъулияти чекланган жамияти бош директорининг ўринбосари – ишлаб чиқаришни режалаштириш директори, Самарқанд вилояти

Исаков Музаффар Тоштемирович — “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятининг целлюлоза эфирлари цехи етакчи муҳандис-технологи, Фарғона вилояти

Мамараимов Абрал — “Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг “Туятортар-Қли” ирригация тизими бошқармаси бош гидротехниги, Жиззах вилояти

Мухидов Толиб Сайфуллоевич — “Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамияти устаси, Бухоро вилояти

Палимбетов Садатдин Зиауддинович — “Устюрт газ-кимё комплекси лойиҳалаштирилган объектларини қуриш ва Сургил газ конденсат конини ўзлаштириш дирекцияси” унитар корхонасининг инфраструктура объектларини лойиҳалаштириш ва қурилиш департаменти бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Рахимбеков Ҳакиммирза Ўразович — Янгиқўрғон тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси бўлим бошлиғи, Наманган вилояти

Рахимов Рўзибой Абдуллаевич — “Туямўйин гидроэлектростанцияси” давлат корхонаси смена бошлиғи, Хоразм вилояти

Рахматова Адалат — Сирдарё туманидаги “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти

Тураев Шокир Тоғаевич — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг 214-йўл машина станцияси кран машинисти

Хамдамов Фахриддин Пардаевич — “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси темирчилик-пресслаш цехи устаси, Навоий вилояти

Ходжаев Батир Асадиллаевич — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари

Эркинов Навруз Садирович — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўл қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи бошлиғи

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Абдувалиев Абдурахмон Абдуқаххорович — “Ўзавтойўл” акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Абдуллаев Акрамджон Анаркулович — Қўқон шаҳар ҳокими, Фарғона вилояти

Ахмедов Исматулла Тошкулович — “Мубораknефтгаз” масъулияти чекланган жамиятининг “Кўкдумалоқ” кони етакчи геологи, Қашқадарё вилояти

Бурязов Шоназар Қўчқарович — Боғот тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси бульдозер машинисти, Хоразм вилояти

Исаков Гайрат Усманович — “Тошкент механика заводи” акциядорлик жамиятининг механика йиғув комплекси бошлиғи, Тошкент шаҳри

Ким Нам Сок — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари – ахборот-коммуникация технологиялари бўйича консультанти

Курбаниязов Аитмурат Сейдабуллаевич — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Қўнғирот локомотив депоси тепловоз машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Қурбонова Жангил Жуммаевна — Олтинсой туманидаги “Бибизайнаб” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

Мавланов Холмамат Эгамқулович — Оқдарё тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси бўлим бошлиғи, Самарқанд вилояти

Мирзаев Низом Вафокулович — “Навоийазот” акциядорлик жамиятининг каустик сода ва кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехи аппаратчиси, Навоий вилояти

Мулажанов Дилшодбек Абидович — “GM O‘zbekiston” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бошқармаси йиғув цехи смена устаси, Андижон вилояти

Олимов Муҳаммадқосим Ҳошимович — Ромитан тумани ҳокими, Бухоро вилояти

Рустамов Асрор Икрамович — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси “Ялпи геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси” давлат корхонаси директорининг биринчи ўринбосари – бош геологи

Саноев Ёдгор — Вобкент туманидаги “Хайробод” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

Таджибаев Абдушукур Муминович — “Сирдарё иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти смена бошлиғи, Сирдарё вилояти

Халилова Маҳфират Мирзаевна — Китоб туманидаги “Йўлдош шаҳарча” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

Холбоев Нормумин Яхшиевич — Касби тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

Холдаров Топиболди — “Нуроний” жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими раиси

Холмуротов Уразали — “Қуйи Сирдарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг “Боёвут-Арнасой” ирригация тизими бошқармаси Ховос тумани бўлими бошлиғи, Сирдарё вилояти

Шайматов Абдукадир Джурабоевич — Зарбдор туманидаги “Жўрабек” фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Юсупов Анваржон Валиевич — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “1-энергомонтаж поезди” унитар корхонаси кран машинисти

“Дўстлик” ордени билан

Абдуллаев Озод — “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Янгиариқ тумани бўлинмаси раиси, Хоразм вилояти

Абдурахмонова Мархобохон Холиқжоновна — Бағдод туманидаги “Мурувват” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

Абибуллаев Куатбай Артикбаевич — “Тахиатош иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятининг қозон турбина цехи бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Алимов Ғайрат Тўхтамуродович — “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг “Uzbekistan airways technics” авиакорхонаси линияли хизмат кўрсатиш цехи смена бошлиғи

Ахмедов Қамариддин — Каттақўрғон туманидаги “Пайшанба” шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Ачилов Асрор Толмасович — “Ўзгеобурғунефтгаз” акциядорлик компаниясининг “Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси” масъулияти чекланган жамияти бош технологи, Бухоро вилояти

Жураев Чули — “Нуроний” жамғармасининг Касби тумани бўлинмаси раиси, Қашқадарё вилояти

Карабаева Момахон — Шаҳрихон туманидаги “Бувайда” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

Кодиров Бахтиёр Абдусаломович — Мингбулоқ туманидаги “Бахтиёр Абдусаломович” фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Кулматов Дилшод Илесович — “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгаши раиси ўринбосари

Мирзахидов Хуршид Мирсабирович — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири

Миркасимов Мирағзам Миразадович — Шайхонтоҳур тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

Назаров Боходир Мирзаевич — Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Олимова Азиза Соатовна — Поп туманидаги “Марғизор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Пардаев Нусуратулла — Жиззах вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси

Рахимов Воҳид Санақулович — Пастдарғом тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

Рахманов Баходир Хамракулович — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Ўзбекистон” локомотив депоси “Афросиёб” электр поезди машинисти, Тошкент вилояти

Рустамов Шухрат Рустамович — Урганч тумани ҳокими, Хоразм вилояти

Салимов Нуритдин Очилдиевич — “Тўполангсув-ГЭСқурилиш” масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси, Сурхондарё вилояти

Староверов Олег Владимирович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси директори, Тошкент вилояти

Файзиева Сайёра Мавляновна — Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси

Хамраев Илхом Мажидович — “Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти смена бошлиғи, Навоий вилояти

“Шуҳрат” медали билан
(100 ёшдан ошганлар)

Аталикова Хаитхон — Андижон шаҳри, Андижон вилояти

Есемуратова Алмахан — Чимбой тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

Исаева Нишон — Бахмал тумани, Жиззах вилояти

Исраилов Исмаил — Юнусобод тумани, Тошкент шаҳри

Мадаипова Мунаввар Аширали қизи — Гулистон тумани, Сирдарё вилояти

Мустафоева Тўй — Пешку тумани, Бухоро вилояти

Пирматова Хурсанай — Янгийўл тумани, Тошкент вилояти

Прматова Морияхон — Наманган тумани, Наманган вилояти

Рустамова Максад — Пайариқ тумани, Самарқанд вилояти

Рўзметова Ёкут — Хонқа тумани, Хоразм вилояти

Тураева Хайит — Олтинсой тумани, Сурхондарё вилояти

Умарова Хувайда — Бувайда тумани, Фарғона вилояти

Эргашева Ҳурой — Нурота тумани, Навоий вилояти

Юсупова Урол — Нишон тумани, Қашқадарё вилояти

“Жасорат” медали билан

Давлатов Эркин Эсанович — Бухоро туманидаги “Зангори экран” устахонаси устаси, Бухоро вилояти

Джураев Базарбай Яссакович — Сирдарё туманидаги “Малик уруғлик чигит” масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси, Сирдарё вилояти

Джураев Илхом Турсунович — “Қизириқ пахта” акциядорлик жамиятининг пахта тозалаш цехи тозаловчиси, Сурхондарё вилояти

Жамолдинов Комилжон Собирович — Наманган туманидаги маиший техника таъмирлаш устаси, Наманган вилояти

Индаминов Шодурди Қуранбаевич — Боғот туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Хоразм вилояти

Иномов Икром Ташхуджаевич — Жиззах шаҳридаги хусусий тадбиркор, Жиззах вилояти

Кулдашов Тулкин Пардаевич — Пастдарғом туманидаги ҳунарманд-темирчи уста, Самарқанд вилояти

Нематов Умид Абдукаримович — Бўка туманидаги “Аслиддин-Умид” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Собирова Нигора Гофуровна — Китоб туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Қашқадарё вилояти

Тухтаева Дилфуза Мамасалиевна — Андижон шаҳридаги ҳунарманд-тикувчи, Андижон вилояти

Тухтасинов Зокиржон Сойипович — Қўштепа туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Фарғона вилояти

Утепова Дамегул Камаловна — Қўнғирот туманидаги 19-мактабгача таълим муассасаси ҳисобчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Халматова Умида Джамилевна — Яккасарой туманидаги 319-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Хидиров Собиржон Мирзоқулович — Навбаҳор туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Навоий вилояти

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Бурибоев Икрам Искандарович — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

Джумаев Бахтиёр Джалилович — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

Саматова Фируза Адхамовна — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

Турсунов Кобул Бекназарович — Нурота тумани ҳокими, Навоий вилояти

Хакимов Шухрат Жўрабоевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси

Халмуҳамедов Шухрат Гайратджанович — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

Хикматуллаев Бахтиёр Фатхуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шўъба мудири

Юсупалиев Баходир Кахраманович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг департамент мудири

“Шуҳрат” медали билан

Абдуллаев Шавкат Рахмонович — “Аммофос-Максам” акциядорлик жамияти цех чилангари, Тошкент вилояти

Абдуназаров Садулла Якубович — Бувайда туманидаги “Ёқубжон ота” фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Абриев Очил — “Ўзнефтгазқазибчиқариш” акциядорлик компаниясининг “Мўборак газни қайта ишлаш заводи” масъулияти чекланган жамияти технологик қурилма машинисти, Қашқадарё вилояти

Адилов Фарход Рустамович — Баликчи туманидаги “Хўжаобод” масъулияти чекланган жамияти раиси, Андижон вилояти

Акрамова Дилноза Шарифжоновна — “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Наманган вилояти Кенгаши раиси ўринбосари, “Камалак” болалар ташкилоти раиси

Алиев Фирдавс Алимович — “Телеком Инновейшнс” қўшма корхонаси директори, Навоий вилояти

Алимов Бахтиёр Джунаидович — “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси Прогнозлаш, ресурслар ва инвестиция дастурлари бош бошқармаси бошлиғининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари

Алимова Гавхар Зайировна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Аллабергенов Илхамбек Эгамбергенович — Урганч туманидаги “Афри” хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Аллақулов Умар Ибадуллаевич — Хонқа туманидаги “Оби ҳаёт инжиниринг” масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси, Хоразм вилояти

Арипова Мамлакат Абдуллаевна — “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг Жиззах вилояти ҳудудий филиали директори

Артикматов Икрамджан Дехканович — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Қўқон алоқа ва сигналлаштириш дистанцияси участка бошлиғи, Фарғона вилояти

Афсаминов Иброхим Шерматович — “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” унитар шўъба корхонасининг технологик цехи смена бошлиғи, Фарғона вилояти

Бабанов Баходир Эшдавлятович — “Навоий конметаллургия комбинати” давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси “Мурунтау” кони лаҳимчиси, Навоий вилояти

Бабаханов Ориф Обидович — Наманган шаҳридаги “Наманган момиқ сочиқлари” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Баймурзаев Уроқ Режабович — Қамаши туманидаги “Бунёд” фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Бекназаров Байрам Ерназарович — “Қуйи Амударё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг “Қуйиниш-жарма” ирригация тизими бошқармаси муҳандиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Бекниязов Ергали Ниетуллаевич — “Ўзбекгеофизика” акциядорлик жамиятининг “Устюрт геофизика экспедицияси” филиали дала партияси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Буранов Курал Айтбаевич — “Устюрт газ-кимё комплекси лойиҳалаштирилган объектларини қуриш ва Сургил газ конденсат конини ўзлаштириш дирекцияси” унитар корхонасининг инфраструктура объектларини лойиҳалаштириш ва қурилиш департаменти етакчи муҳандиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ваджиев Тахир Насруллаевич — “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятининг “Ер ости ишлари” филиали лаҳимчиси, Тошкент вилояти

Гальперин Леонид Владимирович — “Тошкент қувурлар заводи” қўшма корхонаси директорининг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

Гулямов Анварходжа Турсунович — “Нуроний” жамғармасининг Юнусобод тумани бўлинмаси раиси, Тошкент шаҳри

Дадаков Жуманбай Кадиркулович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи қуювчиси, Тошкент вилояти

Данияров Абатбай Сапарбаевич — “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

Дехканова Кундузой Усманкуловна — “Ўзэлектроаппарат-Электрощит” акциядорлик жамияти цех устаси, Тошкент шаҳри

Джарилкаганова Гулистан Сарсенбаевна — Қораўзак туманидаги “Гулистон” фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Джураев Ҳамиджон Тураевич — “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг “1-гидрометаллургия заводи” кон бошқармаси технологик цехи катта устаси, Навоий вилояти

Жаббаров Таир — Хива туманидаги “Сангар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

Жабборова Ўғилхон Мухтаралиевна — Олтинқўл туманидаги “Сафаробод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Жаксимуратов Ислам Махсетбаевич — “Устюрт газ-кимё комплекси лойиҳалаштирилган объектларини қуриш ва Сургил газ конденсат конини ўзлаштириш дирекцияси” унитар корхонасининг инфраструктура объектларини лойиҳалаштириш ва қурилиш департаменти бош мутахассиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жуланов Баходиржон Ёстикович — “Пахтаобод агротехсервис МТП” масъулияти чекланган жамияти механизатори, Андижон вилояти

Жумабаев Миродилжон Султонмуродович — “GM O‘zbekiston” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бошқармаси пресслаш цехи бошлиғи, Андижон вилояти

Жумаев Асрор Хушвахтович — “Тўполанг гидроэлектростанцияси” давлат корхонасининг электрмеханика бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Жураев Акрамжон Мирзахмедович — Фарғона шаҳридаги “296-хўжаликлараро ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колонна” масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси, Фарғона вилояти

Жураев Фуркат Абитович — “Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонасининг электрмеханика хизмати бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

Зикиров Отабек Хошимович — “Жиззах аккумулятор заводи” акциядорлик жамияти цех катта устаси, Жиззах вилояти

(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1,3-бетларда)

Зиябоев Хайрулла Абдуллажонович — Наманган шаҳридаги "Машхим" масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

Зияханова Нигора Аскаровна — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Банклараро ҳисоб-китоб маркази директори ўринбосари

Иргашев Нигматджан Хакимджонович — Чилонзор туманидаги "Мургаб сервис коммунал" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

Исаев Собиржон Рахимович — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш дирекцияси бош муҳандиси

Исмаилов Гуломбек Гафурович — Ҳазорасп туманидаги "Ғофур-Рухия" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Исматиллаев Тахир Сидикович — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг йўл хўжалиги бошқармаси бошлиғи

Исматов Шерзод Махмудович — "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонасининг йиғув цехи устаси, Самарқанд вилояти

Исоков Нормурод Исроилович — "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Навоий вилояти бўлими раиси

Кадиров Абдуманоб Маликович — "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамиятининг "8-автобус саройи" масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

Калилаев Юсуп Азбергенович — "Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компаниясининг "Устюртгаз" масъулияти чекланган жамияти бурғуловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Камалов Анвар Исмоилович — Наманган туманидаги "Истиқлол текстиль дизайн" масъулияти чекланган жамияти дизайнер-конструктори, Наманган вилояти

Камбарова Мукаддас Абдуллаевна — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Бунёдкор" ёшлар телеклуби ижрочи директори

Кариев Сардор Хикматович — Чилонзор туманидаги "Жўрабек Лабораторис" қўшма корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри

Каримов Данияр Дилмуратович — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент вилояти Кенгаши раиси

Каримов Урол Эшматович — "Шўрчи пахта" акциядорлик жамияти цех чилангари, Сурхондарё вилояти

Каримова Мехринисо Сайфутдиновна — "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Асака тумани таянч пункти директори, Андижон вилояти

Кахарова Дилфуза Хакимовна — Сирдарё туманидаги "Река-мед фарм" қўшма корхонасининг сифат назорати бўлими етакчи мутахассиси, Сирдарё вилояти

Ким Эдуард Николаевич — "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонасининг "Қуюв-механика заводи" шўъба корхонаси бош лойиҳачиси, Тошкент шаҳри

Кошимбетова Кутли Абдуллаевна — Қўнғирот туманидаги "Қорақалпоғистон" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мадиёрова Хадича Ҳасановна — "Қоракўл пахта тозалаш" акциядорлик жамиятининг тола ажратиш ускунаси катта оператори, Бухоро вилояти

Мадумаров Толибжон Абдумаликович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Максудова Мархамат Зуфаровна — Чилонзор туманидаги "Чилонзор" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

Маматкулов Равшан Уктамович — Қувасой шаҳридаги "Кварц" акциядорлик жамиятининг металлни қайта ишлаш цехи катта технологи, Фарғона вилояти

Махкамбаева Махбуба Акмаловна — "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Тошкент шаҳар таянч пункти директори

Махкамов Содиржон Онорбоевич — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг 164-йўл машина станцияси кран машинисти

Мирабидов Мирмаксуд Мирахмадович — Чилонзор туманидаги "Пойабзалчи" масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

Мирзаев Абдурашид Тухтасинович — "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятининг "Ўзэлектртармоқ" унитар корхонаси миллий диспетчерлик маркази бошлиғи

Мирхакимов Ровшан Миргаппарович — "Ўзкабель" акциядорлик жамияти пресловчиси, Тошкент шаҳри

Муминова Мелихон Шокировна — Қўқон шаҳридаги "Етти ранг" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Фарғона вилояти

Мусаев Бахромжон Рахмонкулович — Жалақудуқ туманидаги "Яшасин фахри" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Назаркулов Туйчи Турдикулович — "Кўприк қурилиш трести" унитар корхонасининг 67-кўприк қуриш отряди кран машинисти, Тошкент шаҳри

Назарматов Рустам Бахтиярович — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгаши қошидаги Ёшлар медиа маркази оператори

Назаров Аскар Мухаммадиевич — "Навоий конметаллургия комбинати" давлат корхонасининг Марказий геология-қидирув экспедицияси бурғулаш ускунаси машинисти, Навоий вилояти

Нарбаев Анвар Келдибекович — "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонаси бош муҳандиси

Ниязова Сураё Нуралиевна — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Янгиер шаҳар Кенгаши бош мутахассиси, "Камалак" болалар ташкилоти раиси, Сирдарё вилояти

Норбоев Чори Самандарович — Муборак туманидаги "Муборак" қорақўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

Нугманов Собит Самсокжонович — Наманган шаҳридаги "Афруз Камол" масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, Наманган вилояти

Орипов Дилшод Аъзамович — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджетининг касса ижроси департаменти директори

Ортиқова Мухаррамхон Уматалиевна — Чортоқ туманидаги "Бўлон" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

Поянов Даврон Холмуродович — "Сурхон пармалаш ишлари" акциядорлик жамияти пармаловчиси, Сурхондарё вилояти

Пулатова Шаходат Мухидиновна — Гулистон шаҳридаги "Лочин" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Сирдарё вилояти

Раджапов Мансур Кучкарович — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг ишларни бошқариш дирекцияси бошлиғи

Раймов Алижон Бахромович — Фарғона шаҳридаги "Евроосиё Тапо-Диск" қўшма корхонаси қолипловчиси, Фарғона вилояти

Раманов Тайир Сапарбаевич — "Ўзэлектромонтаж" акциядорлик жамиятининг "Нукус электромонтаж" масъулияти чекланган жамияти электрмонтажчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Рахматов Имом Мамадиёрович — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари

Рузибаева Рисолат Фахриевна — "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Нурота тумани таянч пункти директори, Навоий вилояти

Рустамов Гайратжон Гадоевич — "Қизилқумцемент" акциядорлик жамиятининг бўлинма бошлиғи, Навоий вилояти

Сапаров Махмуд Уралович — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг Термиз локомотив депоси тепловоз машинисти, Сурхондарё вилояти

Саттаров Дилшод Нематович — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Саноатнинг базавий тармоқлари ва ёқилғи-энергетика мажмуи молияси бошқармаси бошлиғи

Сатторов Баходир Очилович — "Аму-Қашқадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг "Оқ-сув" ирригация тизими бошқармаси гидроучастка бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Сатторов Немат Шодиевич — Шеробод туманидаги "Хўжаиконтуз" масъулияти чекланган жамияти бош механиги, Сурхондарё вилояти

Сидиков Хуснидин Пардабаевич — "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг "Белазкўмир" филиали бульдозер машинисти, Тошкент вилояти

Собирова Насибахон Анваровна — Уйчи тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Наманган вилояти

Суванова Зоҳида Туллибековна — Республика Маънавият тарғибот марказининг Бекобод тумани бўлими раҳбари, Тошкент вилояти

Сулайманов Нуритдин Сагдуллаевич — "Жиззах пластмасса" акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи машинисти, Жиззах вилояти

Тахирова Зияда Нигматуллаевна — Бектемир тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Тошкент шаҳри

Ташев Алишер Эргашевич — "Талимаржон иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасининг қозон турбина цехи бошлиғи ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Ташматов Абдумумин Абдуваитович — "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг 2-навли прокат цехи катта устаси, Тошкент вилояти

Тоджиев Искандар Адибович — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг Ўқув-машғулот маркази учувчи-йўриқчиси

Тростянский Дмитрий Валерьевич — Ўзбекистон Республикаси "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази етакчи таҳлилчиси

Тулиева Муҳаббат Турғуновна — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг Ховос сигнализация ва алоқа дистанцияси етакчи муҳандиси, Сирдарё вилояти

Тураев Файзулла Эрдонович — "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг Шимолий кон бошқармаси сульфат кислотаси цехи бошлиғи, Навоий вилояти

Умарова Озода Гайратовна — Чилонзор туманидаги "BePro-дастурчилар маркази" масъулияти чекланган жамиятининг лойиҳалар билан ишлаш гуруҳи бошлиғи, Тошкент шаҳри

Ўтанов Алишер Аҳмаджонович — "Қувасойцемент" акциядорлик жамиятининг майдалаш участкаси тегирмон машинисти, Фарғона вилояти

Файзиева Джамила Исомиддиновна — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг Жиззах темир йўл масофаси муҳандиси, Жиззах вилояти

Файзиева Дилором Хуснитдиновна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси

Хайдаров Жамшид Темурович — Ургут туманидаги "Ург-газ карпет" қўшма корхонаси бош директори, Самарқанд вилояти

Хайдарова Хайринса Хужамбердиевна — Балиқчи туманидаги "Антекс" масъулияти чекланган жамияти оператори, Андижон вилояти

Хайитбаев Баходир Атаханович — Урганч шаҳридаги "Огаҳий коммунал сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Хоразм вилояти

Халиков Азамат Камилович — Қизилтепа туманидаги "Темур-Малик" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Хамроев Дилмурод Холмуродович — "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг Сурхондарё вилоятидаги "Хандиза" кон бошқармаси лаҳимчиси

Хасанов Яхшибой Шамуратович — Иштихон туманидаги "Асалчи Элдор" фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Хасанова Санобар Искандаровна — Хива туманидаги "Хоразм гиламлари" масъулияти чекланган жамияти тўқувчиси, Хоразм вилояти

Хашимов Гулом Улмасович — "Фарғоназот" акциядорлик жамиятининг азот кислотаси цехи смена бошлиғи, Фарғона вилояти

Ходжанов Фарход Халимович — Ғузор туманидаги "Озод фаровон қурилиш" масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

Хожиматов Абдуллажон — "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Избоскан тумани бўлинмаси раиси, Андижон вилояти

Холмурадова Дильбар Уринбоевна — Жиззах шаҳридаги "Қипчоқ" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

Худайберганов Бахтиёр Эргашович — Чиноз тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси автокаток машинисти, Тошкент вилояти

Шамсиева Гулнора Бақоевна — Ғиждувон туманидаги "Тошлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

Шодиева Дилфуза Октябревна — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгаши қошидаги Ўқув-услубий марказ директори

Шомирзаев Шухрат Шомахсутович — "GM Powertrain-Uzbekistan" акциядорлик жамияти директорининг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари – техник хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи, Тошкент вилояти

Шукуров Рустам Закирович — "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали бўлим бошлиғи

Элмуратов Нарзулла Хасанович — "Боёвут агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Сирдарё вилояти

Эргашев Ризокул Тухтаевич — "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" унитар корхонасининг асосий ишлаб чиқариш цехи қурилма бошлиғи ўринбосари, Бухоро вилояти

Эргашев Сатор Салохиддинович — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг Бухоро алоқа ва ишорат масофаси бошлиғи, Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 24 август

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР САРАЛАНДИ

Самарқандда "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа иштирок этди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси Ж.Иноғомов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу давлат ва жамият ҳаётида маҳалла институтининг ўрни ва ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини муҳофаза қилишга хизмат қилмоқда. Айтиш мумкинки, бугун маҳалла аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланди.

Мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам, тартибли ўтказиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки олти ойида фуқаролар йиғинлари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга 91 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбир, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг мазмуни ва аҳамиятига бағишлаб 77 мингдан зиёд тарғибот тадбири ташкил этилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларда "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режаси доирасида 65 мингга яқин тадбир ташкил этилди. Шу билан бирга, ёш авлоднинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимини ошириш, уларни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашга кўмаклашиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида фаолият кўрсатаётган "Ота-оналар университети" томонидан 55 мингга яқин тадбир ўтказилди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Бу борада "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида чекка туман ва қишлоқлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 3 минг 680 нафар аҳолига кийим-бош тўпламлари берилди. 250 га яқин кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг суннат тўйлари ўтказилиб, улар номига очилган омонат дафтарчаларининг ҳар бирига 1 миллион сўмдан маблағ туширилди. 5 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийси, ёлғиз кексалар, ногиронларга 1 миллиард 590 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Кексаларнинг ҳар бир сўзи ёшлар учун ибрат, ҳаёт йўли мактабдир. Шу боис "Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?" деган ҳаётий саволнинг моҳияти ва аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш мақсадида маҳаллаларда бевосита кексалар иштирокида "Икки авлод учрашуви", "Эъзоз", "Эҳтиром" мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиб келинаётир.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танлови фуқаролар йиғинларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, тизим фаолларининг билим ва малакасини ошириш, улар ўртасида илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Бу йил энг улуғ, энг азиз байрам – мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган танлов ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилгани билан бирга, тизим ходимларининг жойларда маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби кенг кўламли вазифаларни самарали йўлга қўйишдаги билим ва тажрибасини, масъулиятини янада оширишида ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Танловнинг апрель-май ойларида ўтказилган туман (шаҳар) босқичларида 9 минг 764 фуқаролар йиғини иштирок этиб, уларнинг 193 таси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида яна бир бор синовдан ўтди. Улар орасида биринчи ўринни эгаллаган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида ташкил этилган мамлакат босқичида уч шарт бўйича ўзаро баҳслашди.

Иштирокчилар биринчи шартда ўз худудларида амалга ошираётган ишлари, эришилган ютуқлар, намунали иш тажрибаларига оид тақдимотни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда намойиш этди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар, асосий фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари ҳамда йиғинларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ташкил этилган маслаҳат марказлари фаолияти ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, "Ота-оналар университети" фаолиятини намунали йўлга қўйиш, "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги доирасида амалга оширилган ишлар, жойларда соғлом маънавий муҳит, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифий ишларни ташкил этиш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, тўй-маъракаларни ихчам ва тартибли ўтказиш, кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби йўналишларга эътибор қаратилди.

Иккинчи шартда иштирокчиларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир қонунчилик ҳужжатларига оид билими, юзага келаётган масалалар ечимини топиш юзасидан малакаси, дунёқараши синовдан ўтказилди. Айниқса, ушбу шартда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуни ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда берилган саволларга қайтарган жавоблари ҳакамлар ҳайъати томонидан қонунийлик, ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида баҳоланди. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳозиржавоблиги ва дунёқараши синовдан ўтказилди.

Навоий вилояти Навоий шаҳридаги "Бунёдкор" маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Наманган вилояти Наманган шаҳридаги "Фурқат" маҳалла фуқаролар йиғини сазовор бўлди. Ғолибларга "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

– Беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маҳалламизда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролар йиғинининг ўрни ошиб бормоқда, – дейди Навоий вилоятидаги "Бунёдкор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Наврузов. – Бунда йиғин ходимлари билан бирга маслаҳатчилар, ўнга яқин жамоатчилик комиссиялари аъзоларининг хизмати катта. Айниқса, ёшлар билан ишлашда маҳалламизда ибратли тажриба тўпланган. "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги доирасида ўқувчиларнинг давомати, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда. Жумладан, бу йил 18 нафар коллеж битирувчисининг банкдан имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашига амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада 32 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди.

Танлов иштирокчилари асосий ўринлардан ташқари, фуқаролар йиғини фаолиятига оид бир қатор йўналишлар бўйича ҳам рағбатлантирилди.

Таниқли санъаткорларнинг тинчлик, Ватан ва дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқлари тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Тадбир доирасида иштирокчилар Самарқанд вилоятидаги намунали маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда улардаги жамоатчилик тузилмалари фаолияти билан танишиб, тажриба алмашди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев сўзга чиқди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга, иқтисодиётнинг узлуксиз ўсишига, халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратишга ва жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини таъминлашга хизмат қилади.

Маърузада Сенатнинг ўтган йиллардаги фаолияти айрим жиҳатларини танқидий таҳлил қилишга ва келгуси даврда парламент юқори палатаси иш самарадорлигини оширишнинг устувор вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди. Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 22 январда бўлиб ўтган биринчи ялпи мажлисида, парламент палаталарининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида, Конституция қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини тубдан яхшилаш, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмуни ва моҳиятини ижро этувчиларга етказиш, Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлигини, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан биргаликдаги фаолиятни кучайтириш чоралари кўрилганлигига урғу берилди.

Қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш бўйича Сенат қўмиталари ва комиссияларининг, ҳар бир сенаторнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, қабул қилинаётган қонунлар нормалари ишлаши учун зарур бўлган қонуности ҳужжатлари ўз вақтида эълон қилинишини ва ҳуқуқни қўллаш ҳолатини мунтазам назорат қилиш устувор вазифалар қаторида тилга олиб ўтилди. Бунда сенаторларнинг кундалик иш услубида мустаҳкам ўрин олиши лозим бўлган парламент назоратини амалга ошириш расмиятчилик учунгина кечишига йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди.

Яқинда қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилган барча механизмни ишга солиш муҳим аҳамиятга эга. Маърузада минтақавий ва умумдавлат манфаатлари мувозанатига эришишга, қонунийликни, қонун устуворлигини таъминлашда парламент ролини оширишга қаратилган Сенат фаолиятининг самарадорлигини ошириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Шундан сўнг сенаторлар ялпи мажлис кун тартибига мувофиқ мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилишга ҳамда демократлаштиришга қаратилган қонунларни кўриб чиқишга киришдилар.

Сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган **"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун ёшлар сиёсатининг асосий қоидалари, бундай сиёсатни шакллантириш ва рўёбга чиқаришга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, тўғридан-тўғри таъсир қилишни яхлит қонун ҳужжатида мужассам этиш мақсадида қабул қилинганлиги таъкидланди.

Қонунда ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ёшларга оид давлат сиёсатининг қуйидаги устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилди: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатларни, ёшларнинг очиқ ва сифатли таълим олишини таъминлаш, ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларни маънавий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, радикализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва ҳоказо.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини марказда ва жойларда рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги аниқ белгилаб берилмоқда. Ушбу органлар зиммасига ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, меҳнат ва бошқа соҳаларда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган талаблар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шак-шубҳасиз ижро этилишини таъминлаш, ҳуқуқий тарғиботга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилмоқда.

Қонун нормалари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда жамоат ташкилотларининг, энг аввало, ёшлар ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ўрнини кучайтиришга ҳам қаратилган. Давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда, соғлом баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишда, ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини юксалтиришда, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари талаблари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари муқаррар иштирокининг ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилмоқда.

Сенаторлар қайд этганларидек, қонуннинг қабул қилиниши ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлашга, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулиятини кучайтиришга, ушбу соҳада соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун мамлакатимизда зарур имкониятлар ва шарт-шароитлар яратишга, мамлакатимиз ёшларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама баркамол шахслар қилиб шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар **"Ички ишлар органлари тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайёрланган ва парламентнинг қуйи палатасига киритилган ҳамда ички ишлар органларининг мақомини, биринчи навбатда, қонун устуворлигини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар фаолиятининг шакллари ҳамда усулларини аниқ белгилаб беришга қаратилган.

Мажлисда ушбу Қонун ички ишлар органлари тизими ва тузилишини, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда ваколатларини, уларнинг ходимларига нисбатан қўйилган талабларни, шунингдек, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини аниқ белгилаб бериши таъкидланди.

Қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва принциплари мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Ички ишлар органлари зиммасига фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини, юридик ҳамда жисмоний шахслар мол-мулки ҳимоясини таъминлаш вазифалари юклатилмоқда.



Ички ишлар органларининг аниқ вазифаларини, шу жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш, жиноятларнинг, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош қилиш, жамоат жойларида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органларининг аниқ вазифаларини белгилаб қўйиш уларининг жамият ва давлат олдидаги жавобгарлиги оширади.

Қонунда ички ишлар органлари хизматига қабул қилишга доир қўйилган асосий талабларга, хизмат ўташ шартларига алоҳида ўрин ажратилган.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу Қонун ички ишлар органлари нуфузини мустаҳкамлашга, улар фаолиятида қонунийликни таъминлашга, шунингдек, ходимларнинг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ижро этиш бўйича жавобгарлигини оширишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда табиатни муҳофаза қилиш соҳасига доир қонунлар ҳам кўриб чиқилди.

Сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган **"Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини (янги таҳрири) кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, Қонуннинг асосий мақсади ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришдан, ҳайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ҳосил қилиш тизими самарадорлигини оширишдан, уларнинг яшаш муҳитини сақлашдан, шунингдек, қонуннинг тўғридан-тўғри таъсир қилишини таъминлашдан иборат.

Амалдаги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таъсирчанлигини оширишга ва биологик хилма-хилликнинг ажралмас қисми сифатида ёввойи ҳайвонлар генофондини комплекс ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан қонунчилик ҳужжатларидаги нуқсонларни бартараф этишга, қонун нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлаштиришга қаратилган янги ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлайди.

Қонунда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда давлат органларининг, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Ҳайвонот дунёси объектларини олиб кириш ва олиб чиқишнинг ҳуқуқий режимини, табиий муҳитдан "Қизил китоб"га киритилган ҳайвонлар ажратиб олинишини тақиқлашни, ҳайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг яшаш муҳитини сақлаш бўйича биотехник тадбирлар ўтказиш тартибини белгилаб берувчи нормалар қонуннинг муҳим қоидаларидир.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасида мониторинг ва назорат олиб бориш, ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштириш масалалари қонунда алоҳида ўрин эгаллайди.

Сенаторларнинг фикрича, Қонуннинг қабул қилиниши табиий шароитларда ёввойи ҳайвонларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш бўйича ишлар самарадорлигини оширишга, ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган **"Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини (янги таҳрири) кўриб чиқдилар.

Мажлисда сенаторлар янги қонун ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, ундан оқилона фойдаланиш тизимининг самарадорлигини оширишга, атроф-муҳит бус-бутунлигини ва ёввойи ўсимликлар ўсадиган муҳитни сақлашга қаратилганлигини қайд этдилар.

Қонунда ўсимлик дунёси муҳофаза қилинишини ва ундан оқилона фойдаланилишини таъминлаш борасидаги субъектларнинг ваколатлари, ўсимлик дунёси объектларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ўсимлик турларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, карантин тадбирларини ўтказиш талаблари аниқ белгилаб берилган. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасида мониторинг ҳамда назорат олиб боришнинг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши табиатнинг барқарорлигини, биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, хусусан, йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик организмлари генофондини асраш, мамлакат минтақаларида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар яратиш ва кенгайтириш ҳамда ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта ҳосил қилиш соҳасида норма ҳамда нормативларни ишлаб чиқиш борасидаги муносабатларни қонуний йўл билан самарали тартибга солиш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ПАРЛАМЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Жумладан, депутатлар "Прокуратура тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Тадбирда мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологиялари кенг татбиқ этилаётгани таъкидланди. "Электрон ҳукумат"ни жадал ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Лойиҳада прокуратура органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Унга кўра, "Прокуратура тўғрисида"ги қонунга алоҳида ҳолларда прокуратура органлари хизматига ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида олий маълумотга эга мутахассислар қабул қилиниши мумкинлиги ҳақидаги ва бошқа масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда.

Депутатлар эътиборига "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тақдим этилди ва қонун қабул қилинди.

Ўтказилган таҳлиллар ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қўриқланишини таъминлашдаги мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик чораларининг мавжуд эмаслиги ушбу соҳада қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва профилактика қилишга салбий таъсир қилаётганини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қўриқланишини таъминлаш мажбуриятини бажармаганлик ва кириш-чиқиш режимини бузганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қўриқланишини таъминлаш мажбуриятини бажармаганлик учун, башарти, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликни кўзда тутувчи моддалар билан тўлдирилмоқда.

Бу ўзгартиш ва қўшимчалар қонунчиликдаги бўшлиқни бартараф этиш ҳамда ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг ишончли қўриқланишини таъминлаш мажбуриятини бажармаганлик, шунингдек, кириш-чиқиш режимини бузганлик учун аниқ жавобгарлик чорасини ўрнатишга олиб келади.

Депутатлар амалдаги қонунчиликда мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш ва айрим қонунчилик ҳужжатларидаги нормаларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги ҳамда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунларга ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилди. Киритилаётган ўзгаришларга кўра, Жиноят процессуал кодексининг айрим нормаларида мавжуд тафовут ва номутаносибликларни бартараф этиш мақсадида мазкур кодексдан суриштирувчининг эҳтиёт чораси танлаш ваколатига доир нормани чиқариб ташлаш таклиф қилинмоқда.

"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасини "ёки уй қамоғи" деган сўзлар билан тўлдириш таклиф қилинмоқда. Дастлабки терговда уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганда шахс ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши мумкин. Бу гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли адвокатга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси белгиланган тартибда жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилиши мумкин. Бу норма адвокатларга дахлсизлик ҳуқуқининг тўлиқ татбиқ этилишига имконият яратади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жойларда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган учрашув ва амалий мулоқотлар ўтказилмоқда.

Сурхондарё вилоятида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги: иқтисодий мустақиллик – кучли мустақил давлатнинг муҳим кўрсаткичи" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти тобора ортиб бораётгани таъкидланди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан юқори бўлиб келаётгани бунинг яққол исботидир. Бу аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалишига замин яратаётир.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш зарурлигига эътибор қаратди. Давра суҳбатида шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш масалалари таҳлил этилди. Бу борада қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини мустаҳкамлаш юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

(ЎзА)

"ЎЗТРАНСГАЗ": ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Пойтахтимизда "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси томонидан "Мустақиллик йилларида аҳолига сифатли газ етказиб бериш борасида амалга оширилган ислоҳотлар натижалари" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Айтиш жоизки, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб барча соҳаларда олиб борилган ислоҳотлар нефтгаз тизимини ҳам четлаб ўтгани йўқ. 2006 йилга келиб, соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш ва фойдаланишга топширишга доир сиёсатни шакллантириш, табиий газни маҳаллий истеъмолчиларга етказиб бериш ва сотиш, шунингдек, фойдаланилган газ учун тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

2009 йилда "Оҳангарон-Пунгон" Қамчиқ довони орқали магистрал газ қувурининг фойдаланишга топширилиши Фарғона водийси аҳолисининг табиий ёқилғига бўлган эҳтиёжини қондиришда самарали қадамлардан бири бўлди. Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлашда Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги газни қайта ишлаш заводларига катта масъулият юкланган.

Мамлакатимизда автомобилларга газ тўлдиришга мўлжалланган 475 компрессор станцияси фаолият кўрсатмоқда. 2020 йилга бориб, уларнинг сонини 809 тага етказиш режалаштирилган.

Аҳолига хизмат кўрсатиш ва қулайликлар яратиш мақсадида "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тизимга бир қатор янгиликларни жорий этганлигини эътироф этиш жоиз. Хусусан, 2015 йилнинг июнидан веб-портал дастури ишга туширилди. Бу орқали табиий газ истеъмолчилари веб-портал дастуридан рўйхатдан ўтган ҳолда ўз хонадонларида туриб газ таъминоти ва истеъмоли бўйича маълумотларни он-лайн режими асосида олиш имконига эга бўлмоқда. Бундан ташқари аҳолига суюлтирилган газ берилишини назорат қилиш ҳамда ҳисоб-китобларни юритувчи "L Gas", улгуржи истеъмолчиларнинг ҳисобини юритувчи "Фосса" дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Шунингдек, матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 декабрдаги "2013 йилдаги Ўзбекистон Республикаси инвестицион дастури" Қарори ижросини таъминлаш мақсадида компания томонидан "табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими" инвестицион лойиҳа фаолияти ишга тушириш бошланганлиги маълум қилинди. Мазкур лойиҳа дастлаб Тошкент шаҳрининг Юнусобод ва Тошкент вилоятининг Қибрай туманларида амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, истеъмолчиларга 108 минг 615 дона ҳисоблагич ўрнатилади.

Тадбирда "Ўзтрансгаз" АК фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи "Ислоҳотлар самараси" номли видеофильм намойиш этилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Реклама ўрнида



Азиз ҳамшаҳарлар!
Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги барчангизга қутлуғ келсин.
Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин.
Энг эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин!

"ELGA XIZMAT SIRG'ALI SAVDO"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА СОҲА ХОДИМЛАРИ!

Барчангизни эркин ва обод, буюк ва муқаддас Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма беш йиллиги байрами билан қизғин муборакбод этиб, самимий меҳр ва ҳурматимизни билдирамиз.
Ушбу қутлуғ ва нурафшон кунларда оилангизга бахту саодат, барча эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Қалбингиздан байрам шукуҳи ҳеч қачон аримасин!



"ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

2016 йил "29" сентябрь соат 10^{00}да

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Жадвал сони	Ҳаракат таркиби тури
1.	8Т	"Бешқайрағоч мавзеси – Оқтепа майдони"	8	Автобус
2.	9Т	"Чилонзор 25-даҳаси АШБ – Тошкент вокзали АШБ"	12	Автобус
3.	12Т	"Бешқайрағоч мавзеси – Беруний метроси АШБ"	2	Автобус
4.	13Т	"Сувсоз мавзеси – Тошкент вокзали АШБ"	10	Автобус
5.	16М	"Қўйлиқ М1 АШБ – Чорсу савдо маркази АШБ"	10	Микроавтобус
6.	17Т	"Бешқайрағоч мавзеси – Чилонзор буюм бозори АШБ"	11	Автобус
7.	18М	"2-оилавий поликлиника бекати – Авиасозлар АШБ"	10	Микроавтобус
8.	162М	"Авиасозлар АШБ – Халқаро Аэропорт-2 бекати"	7	Микроавтобус

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналишлар

1.	7И	"Дўмбиробод мавзеси – Чилонзор буюм бозори бекати"	5	Микроавтобус
2.	53А	"Ўрикзор мавзеси АШБ – Истиқлол кўчаси бекати"	9	Автобус
3.	56М	"Ал-Хоразмий мавзеси бекати – Спорт моллари дўкони бекати"	5	Микроавтобус
4.	66М	"Сергели қўрғони – Тошкент вокзали АШБ"	7	Микроавтобус
5.	79А	"Бирлик мавзеси – Бошлиқ мавзеси"	5	Автобус
6.	72М	"Авиасозлар АШБ – Дўстлик метроси АШБ"	4	Микроавтобус
7.	88А	"Изза мавзеси АШБ – М.Юсуф кўчаси бекати"	12	Автобус
8.	114А	"Ибн Сино 2-мавзеси АШБ – Жанубий вокзал АШБ"	9	Автобус
9.	115М	"МЖБК бекати – Дўстлик метроси АШБ"	4	Микроавтобус
10.	119М	"Мажнунтол маҳалласи – Қўйлиқ М4 АШБ"	4	Микроавтобус
11.	121А	"Юнусобод 9-даҳаси АШБ – Чинни бозори бекати"	11	Автобус
12.	124М	"Ўрикзор мавзеси АШБ – Пахтакор метроси АШБ"	14	Микроавтобус
13.	137А	"Молия лицейи – Тошкент вокзали АШБ"	4	Автобус
14.	144А	"Ибн Сино 2-мавзеси АШБ – Ўзбек тили ва адабиёти университети"	4	Автобус
15.	147А	"Чорсу савдо маркази АШБ – Чинни бозори бекати"	12	Автобус
16.	183М	"Бинокор қўрғони – Қўйлиқ М4 АШБ"	5	Автобус

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ХАТБ "ORIENT FINANS BANK"нинг Юнусобод филиалидаги ҳ/р **2021 0000 0041 9797 1001** (банк коди 01075, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **326 000 сўм** ўтказилади.


Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17^{00}да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58

Реклама ўрнида





РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳамшаҳарларимиз диққатига!

Тошкент шаҳрида 2016-2017 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2016 йил 6 сентябрдан 30 сентябрга қадар, иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда, иссиқлик тармоқларининг механик мустаҳкамликка ва зичликка (юқори босим) синовлари ўтказилади.

Иссиқлик манбаларининг амал қилиш зоналари манзилий рўйхати:

1-ИМ (М-1,4)

28 сентябрь куни — Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Осиё, Бодомзор йўли, И.Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент, Юқори Дархон, Катта Дархон кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, Тошқишлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 турар жой даҳалари, Тош ГРЭС даҳаси, Ҳамид Олимжон майдони.

2-ИМ

23 сентябрь куни — Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш.Бурхонов, Р.Ҳамроев, Салом, Дўрмон йўли кўчалари, Қорасув – 1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой даҳалари, Геофизиклар қўрғони.

3-ИМ (М-1,4)

27 сентябрь куни — Бунёдкор шоҳ кўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ўзбекистон, Қоратош, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий, Маннон Уйғур, Шифонур, Зиё, Қорақамиш, Бешёғоч, Пахтакор, Талабалар кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу, Қоратош, Олмазор, Бешёғоч, М-10,11,13,14, М-26,27,28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш 2/1,2/2 турар жой даҳалари.

4-ИМ (М-0,1)

15 сентябрь куни — Амир Темур шоҳ кўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк кўчаси, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Боғиравон, М.Турғунбоева, Гулсарой, Себзор, Олтинсой, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Лабзак, Нурафшон, Қорақамиш кўчалари, Қорақамиш 1-кўчаси, М-1,5,6,12,15, М-17,18 (Себзор) Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4, 2/1,2/2,2/5 турар жой даҳалари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8)

9 сентябрь куни — Амир Темур шоҳ кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари, Юнусобод 1÷19 мавзелари.

5-ИМ (М-0,4)

20 сентябрь куни — Чилонзор 5÷12, Г9А, 16÷20, 24÷26, Ц, 20А мавзелари, Дўмбиробод, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий – 1,2 турар жой даҳалари, Заргарлик, Қатортол, Гулистон, Муқимий, Боғистон, Фарҳод, Чўпонота, Боғибўстон, Самарқанд Дарвоза, Байналмилал, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин, М.Шайхзода кўчалари, Қатортол 1-тор кўчаси, Оқтепа мавзеси.

6-ИМ

21 сентябрь куни — Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлиқ, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли, Толлимаржон, Файзобод, Меҳржон, Сайхун, Сурхон кўчалари, Қўйлиқ – 1÷7, Қўйлиқ – Айланма турар жой даҳалари.

7-ИМ

26 сентябрь куни — Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар кўчалари, Оҳангарон шоссеси, Тузел -1,2,3,4, Уйсозлар, Асалобод – 1,2 турар жой даҳалари, Авиасозлар шаҳарчаси – 1, 1а, 2, 3, 4 мавзелари.

8-ИМ

8 сентябрь куни — Сергели 1÷8А, Йўлдош – 8,15,16,17, Дўстлик – 1,2 турар жой даҳалари, Янги Сергели йўли, Обиҳаёт, Лутфкор, Меҳригиё, Сўғдиёна, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

9-ИМ

22 сентябрь куни – Чилонзор 9, Г9А, 10, 13÷15, 15А, 21÷25, 30, 31 мавзелари, Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон, Изза турар жой даҳалари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта ҳалқа йўли, Ўрикзор, Катта Хирмонтепа, Кичик ҳалқа йўли, Бешқайрағоч, Тўқимачи, Нашриёт, Ю.Саккокий, Фозилтепа, Фарҳод кўчалари, Ўрикзор бозори доирасида.

10-ИМ

8 сентябрь куни — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Шифокорлар, Талабалар, Қамарнисо кўчалари, Қорақамиш 1-кўчаси, Шифокорлар 2-кўчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш – 2/3, 2/4, Бешқўрғон – 1,2,3,4, Қамарнисо, НУУз – ТошДТУ, Олимпия, Ибн Сино 1,2, Белтепа мавзелари, Шифокорлар шаҳарчаси.

ИЭМ (М-0)

16 сентябрь куни — Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғибўстон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Муқимий, Аския, Шоҳжаҳон, Чўпонота кўчалари, Чилонзор 1÷5, Е, И мавзелари, Оқтепа, М-7 турар жой даҳалари, Оқтепа мавзеси.

ИЭМ (М-5,8)

30 сентябрь куни – Амир Темур, Мустақиллик шоҳ кўчалари, Навоий, Бобур, Глинка, Афросиёб, Қумариқ, Я.Ғуломов, Буюк Турон, Зарафшон, Бухоро, Истиқлол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Тараққиёт, Нукус, Кичик Бешёғоч, А.Каҳҳор, Гейдар Алиев, Олтинводий, Фидокор, Моштабиб, Миробод кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, Учувчилар шаҳарчаси, М-1,2,4,5,7 турар жой даҳалари.

“Водник” қозонхонаси

7 сентябрь куни — “Сувсоз” турар жой мавзеси доирасида, Ҳусайн Бойқаро кўчаси.

“Саноатэнерго” қозонхонаси

6 сентябрь куни — “Қурувчи” турар жой мавзеси.

“Саноатэнерго” қозонхонаси таъсир доирасида 6 сентябрь куни иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

Қуйидаги иссиқлик марказларини режали кузги тўлиқ тўхтатиш мўлжалланмоқда.

Тўхтатиш даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишлари таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

1-ИМ “Шимолий-Шарқ” 17 октябрдан 21 октябргача

2-ИМ “Қорасув” 5 сентябрдан 9 сентябргача

3-ИМ “Ғарбий” 5 сентябрдан 9 сентябргача

4-ИМ “Шимолий” 19 сентябрдан 23 сентябргача

5-ИМ “Чилонзор” 5 сентябрдан 9 сентябргача

6-ИМ “Жанубий-Ғарб” 10 октябрдан 14 октябргача

7-ИМ “Авиасозлар” 3 октябрдан 7 октябргача

8-ИМ “Сергели” 26 сентябрдан 30 сентябргача

“Водник” 26 сентябрдан 30 сентябргача

“Саноатэнерго” 19 сентябрдан 23 сентябргача

ТошИЭМ 3 октябрдан 7 октябргача

4-ИМ иссиқлик манбасининг тўхтатилиши даврида 10-ИМ иссиқлик манбаси таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

Иссиқ сув таъминоти, ТошИЭМ ва 5-ИМ, (9-ИМ иссиқлик манбаи зонаси билан биргаликда тўхташ даврида, қуйидаги манзиллар бўйича бўлмайди.

5-ИМ ва 9-ИМ

5 сентябрдан 9 сентябргача — Чилонзор 9 ÷13, Г9А, 15А, 16÷26, 20А, 30, 31 мавзелари, Дўмбиробод, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий – 1,2, Бешқайрағоч, Изза турар жой даҳалари, Қатортол, Заргарлик, Гулистон, Фарҳод, Чўпонота, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин, Лутфий, Тақачи, Катта ҳалқа йўли, Ўрикзор, Бешқайрағоч, Тўқимачи, Нашриёт, Ю.Саккокий, Фозилтепа кўчалари.

ТошИЭМ

3 октябрдан 7 октябргача — Амир Темур шоҳ кўчаси, Навоий, Рашидов, Бобур, Глинка, Шота Руставели, Қумариқ, Я.Ғуломов, Буюк Турон, Зарафшон, Бухоро, Истиқлол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Тараққиёт, Боғибўстон, Нукус, Гейдар Алиев, А.Каҳҳор, Фидокор, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Муқимий, Аския, Шоҳжаҳон, Чўпонота, Боғистон, Лутфий, Қатортол кўчалари, Чилонзор 1÷10, Г9А, 14, 15, Е, И, Ц мавзелари, М-7, Оқтепа, Қушбеги, Бошлиқ, Учувчилар шаҳарчаси турар жой даҳалари, Оқтепа мавзеси.

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Бинолардан фойдаланиш департаменти” ДУК тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уйда жойлашган маъмурий бино қисми.

Бошланғич нархи – 19 082 059 663 сўм 39 тийин.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Бинолардан фойдаланиш департаменти” ДУК.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 30 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1 “А”-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 17 октябрь, 1, 16 ноябрь, 1, 19 декабрь ва 2017 йил 3, 18 январь, 2, 17 февраль, 6, 23 март, 7 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ “Ипак йўли” Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати.

Бошқарма маъмурияти.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР БАРЧАГА ИБРАТ





Ёшлар ижод саройида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ижодий, илмий фаолиятини ўрганиш, етакчилик, изланувчанлик ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, тенгдошларига ибрат бўлишдаги ташаббусини кучайтириш, эришаётган ютуқларини кенг тарғиб этиш мақсадида анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари, маҳалла фаоллари, юртимизда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Мустақиллик йилларида ёшлар келажаги ва истиқболи йўлида олиб борилаётган ишлар, кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти истеъдодли қизларни кашф этиш, уларнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқариш, иқтидорли қизлар сафининг янада ортиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу мукофотга муносиб деб топилган қизлар фан олимпиадалари, халқаро танловлар ва спорт мусобақаларида юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик шодиёналари арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида турли маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, бадиий кўргазмалар, мушоира кечалари ва спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Совриндорларимиз истиқлолнинг бебаҳо неъматларидан баҳра олиб камолга етаётган қизларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари кенг тарғиб ва ташвиқ этмоқдалар.

Мамлакатимизда бугунги кунда, адабиёт йўналишида 54 та, маданият йўналишида 73 та, санъатда 47, фан йўналишида 24 та, таълим йўналишида эса 42 нафар жами 240 нафар қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган.

– Ўзбекистондай жаннатмонанд юртда туғилиб вояга етаётганимга минг бора шукроналар айтаман, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофотига адабиёт йўналиши бўйича сазовор бўлган қизларимиздан бири Нодира Fозиева. – Биз ёшларга кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор, ғамхўрлик ойдин орзуларимизнинг юзага чиқишида, ижодий парвозларимизда юксак қанот бўлмоқда. Мен ҳам барча дугоналарим қатори бизларга билдирилган ишончни оқлашга, она Ватанимизга чин дилдан садоқат билан хизмат қилишга ҳаракат қиламан.

Анжуманда шоира қизларнинг "Сени улуғлаймиз жонажон Ватан!" мавзуидаги мушораси ҳам бўлиб ўтди. Хорижий тилларни мукаммал эгаллаган қизларнинг "Дунёга юзланган ўзбек қизлари" мавзуидаги, инглиз, француз, немис, япон, грек, араб, итальян, форс, хитой, турк тилларидаги шеър ва табриклари, она юртимизни, мустақиллигимизни мадҳ этиб, улуғловчи куй-қўшиқлари, дилбар рақслари барчага хуш кайфият бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

Анжуманлар

МАДАНИЙ МЕРОС АСРАБ-АВАЙЛАНМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги томонидан "Маданий меросни сақлашда архив, музей ва кутубхоналарнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

"Ўзархив" агентлиги бош директори ўринбосари Д.Кўчарова ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, муҳофаза этиладиган тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга ёдгорликлар таркибига кирувчи картография, фотография, материаллари, кинофильмлар, аудио ва видео ёзувлар, архив, қўлёзма ва чизма ҳужжатларни архив муассасаларида тизимли асосда жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақлаш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш масалалари ва бу борада архив, музей, кутубхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги хусусида сўз юритди.

"Ўзархив" агентлигининг юздан ортиқ давлат архивида 37 минг 700 дан ортиқ фонд мавжуд бўлиб, улар таркибида 12 миллион 600 минг сақлов бирлигида архив ҳужжатлари жамланган.

Маданий меросни сақлаш ва улардан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида юртимизда 22 та янги давлат архиви бинолари қурилиб фойдаланишга топширилган. 5 та давлат архиви биноси тўлиқ реконструкциядан чиқарилган.

Энг муҳими улар замонавийлиги, илғор ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланганлиги билан ажралиб туради. Амалиётга изчиллик билан татбиқ этилаётган шу каби саъй-ҳаракатлар натижасида архивларнинг сиғимдорлиги 2,5 миллион сақлов бирлигига ортиб, йилдан-йиилга маданий меросимиз бойитилиб борилмоқда.

Бугун алоҳида ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш ишлари давом этмоқда. Ҳозирга қадар давлат архивларида алоҳида қимматли ҳужжатларни электронлаштириш даражаси ўттиз беш фоизга етди.

Кейинги йилларда хорижий мамлакатлардан 9 та кино, икки минг 500 дан ортиқ тарихий, илмий, сиёсий, маданий, ҳужжатларнинг нусхалари олиб келинган. Қолаверса агентликнинг буйруғи асосида чет мамлакатда хизмат сафарида бўлган ҳар бир ходим, борган шаҳридаги давлат архивини ўрганиб, уларнинг тажрибаси билан танишиб келиши амалиётга киритилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки жорий йилда "Ўзархив" агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви сақловида бўлган 1200 дан ортиқ қимматли ҳужжатни ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритиш учун иш олиб борилмоқда.

Анжуманда оммавий ахборот ходимлари саволларига мутахассислар томонидан тўлиқ жавоблар қайтарилди.

Камола СОЛИЕВА

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Спорт янгиликлари

Мамлакатимизда ёшлар қалбида Ватанга садоқат, ҳарбий хизматга нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини сингдириш ҳамда спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш мақсадида кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда.

СПОРТНИНГ ТЕХНИК ВА АМАЛИЙ ТУРЛАРИ ОММАЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти тасарруфидаги "Учтепа ЎСТК" унитар корхонаси томонидан 238-умумтаълим мактабида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактик ҳисобда турувчи ёшларни спорт ва касб-ҳунарга жалб этиш мақсадида ташкил этилган тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳида спортнинг ўқ отиш тури бўйича мусобақа ўтказилди.

Тадбир давомида "Ватанпарвар" ташкилотида спортнинг техник ва амалий турлари учун автомодель, картинг, авиамодель, ўқ отиш йўналишида ташкил этилган тўгараклар бўйича маълумотлар берилди. Мазкур спорт турлари бўйича кўргазмали чиқишлар ёшлар учун намойиш этилди.

Мусобақада ғолиблар аниқланиб махсус совға ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Мухтасар қилиб айтганда, бу каби тадбирлар, уларнинг соғлом фикрли, ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳноза ТОЖИДДИНОВА

ТЕННИСЧИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ

Украинада аёллар ўртасида бошланган халқаро турнирнинг жуфтлик беллашувларини Альбина Хабибулина ишончли ғалаба билан бошлади.

Украиналик Анастасия Васильева билан бирга ўйнаган ҳамюртимиз дастлабки учрашувда мезбонлар вакиласи Анастасия Федоришина ва россиялик Екатерина Яшина жуфтлигини 6:4, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Таъкидлаш жоиз, беллашувда иккала томон ҳам ҳар бир очко учун кескин ва муросасиз баҳс олиб борди.

Яна бир вакиламиз Оқгул Омонмуродова эса жуфтлик беллашувларида қирғизистонлик Ксения Палкина билан бирга россиялик Валентина Ивахненко ва Анастасия Комардинага қарши кортга чиқди.

Белбоғли кураш бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати баҳсларида 300 нафарга яқин ўғил-қиз 23 та вазнда ғолиблик учун гиламга чиқди.

ОСИЁ ВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ РАҚОБАТЛАШДИ

Мусобақада Наманган, Хоразм, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Тошкент, Фарғона, Андижон вилоятлари ва пойтахтимиздан ташриф буюрган полвонлар 48 килограммдан 100 килограммгача бўлган вазнда ўзаро бел олишди.

Якка кураш спорт турлари ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида муросасиз руҳда кечган баҳсларда республика, Осиё ва жаҳон чемпионларининг рақобатлашгани мусобақага бўлган қизиқишни янада оширди. Қолаверса, мураббийлар икки кун давомида мамлакат терма жамоаси учун янги номларни ҳам кашф қилдилар.

Мусобақа якунларига кўра, белбоғли кураш йўналишида Тошкент шаҳридан Муслим Аҳмаджонов, Наманган вилоятидан Бобур Маҳкамов, Абдурасул Ҳабибуллаев, Отабек Сойибоев, Андижон вилоятидан Ҳусниддин Рўзиев, Фарғона вилоятидан Зайнобиддин Ортиқов, Бобур Тўхтасинов ўз вазнларида барча рақибларидан устун келишди.

Қизлар ўртасида кечган беллашувларда Нафиса Аҳмаджонова (Тошкент шаҳри), Дилшода Тўрабоева (Наманган), Шаҳзода Эргашева, Мафтуна Аҳмедова, Анифе Куртсеидова (Андижон), Гулмира Исматова (Самарқанд), Гулҳаёт Маматқулова (Фарғона) ўз ҳисобига олтин медални ёздириб қўйишди.

Ғолиб полвонлар шу йилнинг октябрь ойида Россия Федерациясида бўлиб ўтадиган белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритдилар.

БЕЛЛАШУВНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

Куни кеча бўлиб ўтган "Ал-Айн" ҳамда "Локомотив" жамоалари ўртасидаги Осиё чемпионлар лигаси чорак финал дастлабки учрашувида ўйиннинг энг яхши футболчиси аниқланди.

Дуранг ҳисобида якунланган ўйинда "Темирйўлчилар"нинг тажрибали ярим ҳимоячиси Тимур Кападзе Осиё Футбол Конфедерацияси томонидан "Ал Айн" – "Локомотив" баҳсининг энг яхши футболчиси деб топилди.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг собиқ футболчисининг баҳс давомида майдон марказида тезкор ва тўғри фикрлаши, рақиб ҳужумларини осонлик билан бузиши ҳамда ўрта масофаларга аниқ тўп узатиши мутахассислар эътиборини жалб қилди.

Мирко Йелечич ҳамда Андрей Микляев шогирдларидан жавоб учрашувида ҳам мазмунли ўйин ҳамда ярим финал йўлланмасини кутиб қоламиз.

Ботир ХЎЖАЕВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **26 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 августда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ